



"DAVSUVXO'JALIKNAZORAT"

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi
Davlat inspeksiya

BUYRUQ

2022 yil "27" aprel

Toshkent sh.

14 sonli

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасида 2022 йил 12 апрелда
78-сонли ўтказилган мажлис
баёни тўғрисида*

Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш бўйича
анъанавий тарзда ўтказиладиган танловларни ўтказиш мақсадида

БУЙУРАМАН

1. "Давсувхўжаликназорат" давлат инспекциясида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги "Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш бўйича анъанавий тарзда ўтказиладиган "Энг намунали вазирлик ва идора" ҳамда "Энг намунали туман ва шаҳар" танловларини ўтказиш тўғрисидаги низомларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. "Давсувхўжаликназорат" давлат инспекциясини "Энг намунали вазирлик ва идора" танловларида иштирок этишини ташкиллаштириш комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Танловнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборатлиги белгилансин:

инспекцияда Маънавият ва маърифат фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларнинг фаолият натижадорлигини оширишга эътибор қаратиш;

худудларда маънавий янгиланиш, янги маънавий маконни яратиш, маърифатли жамият барпо этиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни тарғиб этиш;

жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда инспекция иштирокини янада кучайтириш;

меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича яхлит тизимни шакллантириш;

маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш борасида шакланган ўзига хос ташаббус ва тажрибаларни кенг омалаштириш;

маънавий-маърифий соҳани ривожлантиришда инспекциянинг ўзаро ҳамкорлиги кучайтириш;

инспекция тизимида маънавий-маърифий йўналишда самарали бошқарув тамойилларини жорий этиш.

4. Инспекция бошлиғи ўринбосари (Ирисбоев), бош юрисконсульт (Азизов) қуйидагиларни ходимлар ўртасида кенг тарғиб этсинлар:

мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг ходимларга самарали етказиш;

жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ички ва ташқи таҳдидларга қарши тизимли тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтириш;

“Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узликсиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

ёш авлодни ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳиятли ҳамда Ватанга садоқатли этиб тарбиялаш;

ходимларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, илмий ва ижодий соҳалардаги фаоллигини янада ошириш;

инспекцияда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш.

5. АКТ мутахассис (Убайдуллоев) бир кун муддатда ушбу буйруқ билан ҳамма ходимларни таништириб чиқсин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини ўз зиммамда қолдираман.

Бошлиқ



Н. Эрназаров

“Давсувхўжаликназорат” давлат инспекциясининг “Энг намунали вазирлик ва идора” танловларида иштирок этишини ташкиллаштириш комиссияси
ТАРКИБИ

T/p	Ф.И.Ш	Лавозими
1.	З.Ирисбоев	“Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари, комиссияси раиси
2.	С.Азизов	“Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси бош юрисконсулти, комиссияси аъзоси
3.	Ш.Исмоилов	“Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси катта мутахассиси, комиссияси аъзоси
4.	Ҳ.Рўзимуродов	“Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси бош бухгалтери, комиссияси аъзоси
5.	М.Кугедиев	Диагностика маркази бошлиғи, комиссияси аъзоси
6.	Б.Убайдуллаев	“Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси АКТ мутахассиси, комиссияси котиби